



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР СИЁСАТИ  
ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ**  
**ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ**

**“YOSHLAR – KELAJAGIMIZ” ЖАМҒАРМАСИ  
НАВОЙ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ**

**Навоий вилояти тажрибаси сифатида ёшларни касб-хунарга, информацион  
технологиялар, дастурлар, логистика, 3D моделлаштириш, анимация ва  
график дизайн каби соҳаларда ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида ўкув  
марказларини ташкил этиш тўғрисида**

**ҚЎШМА ҚАРОР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 ноябр куни Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ҳамда объектларга ташрифлар, учрашувлар ва тадбирларда берган топшириклари бўйича 77-сонли йигилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, “Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси ҳамда Навоий вилоят ҳокимлиги **карор килади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, “Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси ҳамда Навоий вилоят ҳокимлиги (бундан кейин матнда Томонлар деб эътироф этилади) Навоий вилояти тажрибаси сифатида ёшларни замонавий касб-хунарга, информацион технологиялар, дастурлаш, логистика, 3D моделлаштириш, анимация ва график дизайн каби соҳаларда ўқитиш мақсадида Навоий вилоятининг барча туман (шаҳар)лари (Навоий, Зарафшон, Фазон шаҳарлари, Кармана, Навбаҳор, Хатирчи, Конимех, Қизилтепа, Нурота, Учкудуқ, Томди туманилари)да ўкув марказларини ташкил этиш бўйича масъул ташкилотчилар эканлиги эътироф этилсин.

Бунда ўкув марказларини ташкил этиш (жиҳозлаш, таъмирлаш, моддий-техник базасини таъминлаш, нодавлат таълим муассасаларини таңлаб олиш, танловларни ташкил қилиш) “Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси томонидан Ёшлар ишлари агентлиги ва Навоий вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширилиш белгилаб қўйилсин.

Танлов хужжатларини ишлаб чиқишда худуднинг катталигини инобатга олган ҳолда уч гурухга бўлинсин:

биринчи: Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Томди ва Учкудуқ туманлари;

иккинчи: Кармана, Конимех ва Қизилтепа туманлари;

учунчи: Фозон шаҳар ҳамда Навбаҳор, Нурота, Хатирчи туманлари.

2. Ўқувларни ташкил этишда Томонлар қуидаги асосий вазифаларни амалга ошириш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Навоий вилоят ҳокимлиги:

- “Yoshlar – kelajagimiz” жамгармаси билан ҳамкорликда ўкув марказларини ташкил этиш мақсадида туман (шаҳар)лар марказларида бино-иншоотлар топиш, уларни белгиланган тартибда фойдаланишга топшириш;

- туман (шаҳар) ҳокимликлари, Ёшлар ишлари агентлигининг туман ва шаҳар бўлимлари ва ёшлар етакчилари орқали ёшларни ўкув марказларига жалб килиш ҳамда уларнинг ўқувларда иштирок этишини мониторингини юритиш;

- ўкув марказлари ташкил этилган манзилда муҳандислик коммуникацияларига, жумладан, электр, газ ва сув таъминоти тармоқларига улаш, Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминлаш;

б) “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси:

- ажратилган маблағлар эвазига танлов асосида нодавлат таълим муассасаларини танлаб олиш;

- амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ой якуни бўйича Ёшлар ишлари агентлигига ахборот киритиб бориш;

- танлаб олинган нодавлат таълим муассасалари фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва ривожлантириш мақсадида Жамғарманинг Навоий вилоят филиали томонидан улуш билан қатнашиш;

- ўкув марказлари учун ажратилган бино-иншоотларни ўкув хоналарига мослаштириш, техник жиҳозлар билан таъминлаш ва ижара тўловларини тўлаш (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 ноябрдаги 77-сонли йигилиш баёнига асосан ижросини таъминлаш мақсадида чиқарилган 2023 йил 30 мартағи Вазирлар Маҳкамасининг 157-F сонли фармойишида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилсин*);

в) Ёшлар ишлари агентлиги:

- “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасига белгиланган маблағларни ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш;

- ажратилган маблағларни мақсадли фойдаланишга кўмаклашиш ва мониторинг қилиш;

- амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига ахборот киритиб бориш;

- туман (шаҳар) ёшлар етакчилари орқали ёшларни ўкув марказларига жалб килишга кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 77-сонли йигилиш баёни 52-банди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 157-F сонли фармойиши ижросини назоратга олиш;

- ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳамда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якунида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин.

4. Қуидагилар:

- ўкув марказлари фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйиш тартиби тўғрисида Низом 1-иловага;

- ўкув марказлари ташкил этиш учун сарф-харажатлар сметаси 2-иловага мувофиқ тасдиклансин.

5. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Ф.Аблайров, “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси ижро этувчи директор ўринбосари О.Шавкатов ҳамда Навоий вилоят ҳокимининг ўринбосари Я.Душаев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар сиёсати ва спорт  
вазирининг биринчи  
ўринбосари - Ёшлар ишлари  
агентлиги директори

Тошкент ш.,  
2023 йил “03” 05,  
01-02/6 - сон



A.Саъдулаев


“Yoshlar – kelajagimiz”  
жамғармаси ижро этувчи  
директори

Тошкент ш.,  
2023 йил “03” 05,  
7 - сон



X.Саттаров

Навоий вилоят ҳокими  
ўринбосари  
Тошкент ш.,  
2023 йил “  ”   ,  
— - сон



Я.Душанов

Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги,  
Ёшлар ишлари агентлиги,  
“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси,  
Навоий вилоят ҳокимлигининг  
2023 йилдаги Кўшма Қарорига  
1-ИЛОВА

**Навоий вилояти тажрибаси сифатида ёшларни касб-хунарга, информацион  
технологиялар, дастурлар, логистика, 3D моделлаштириш, анимация ва  
график дизайн каби соҳаларда ўқитишни йўлга қўйиш мақсадида ўкув  
марказларини ташкил этиш тўғрисида**

**НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар.**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 ноябр куни Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси ҳамда объектларга ташрифлар, учрашувлар ва тадбирларда берган топшириклари бўйича 77-сонли йигилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти тажрибаси сифатида ёшларни замонавий касб-хунарга, информацион технологиялар, дастурлар, логистика, 3D моделлаштириш, анимация ва график дизайн каби соҳаларда ўқитиш (бундан кейин матнда Ўқувлар деб эътироф этилади)ни давлат томонидан кўллаб-куватлаш учун ўкув курслари “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги кўмагида ташкил этилади.

1.2. Ўқувлар Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ўкув марказларини ташкил этиш орқали “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси томонидан Ёшлар ишлари агентлиги ва Навоий вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда амалга оширилади.

1.3. Ўқувлар учун ажратилган 11,0 млрд. сўм миқдоридаги пул маблағлари туман ва шаҳарлар эҳтиёжидан келиб чиқиб сарфланади.

1.4. Ўқувлар танлов асосида танлаб олинган нодавлат таълим муассасалари томонидан амалга оширилади.

1.5. Ўқувларни ташкил этувчи нодавлат таълим муассасаларини танлаб олиш давлат харидларини амалга ошириш электрон портали орқали амалга оширилади.

1.6. Танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилган нодавлат таълим муассасалари ва “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси ўртасида лойиҳани амалга ошириш юзасидан шартнома имзоланади.

**II. Ўқувларнинг асосий мақсад ва вазифалари.**

Куйидагилардан иборат:

2.1. Ёшларнинг замонавий касбларни эгаллашлари, шунингдек, янги соҳаларда билим олишга қизиққан ёшлар учун шароит яратиш.

Ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар.

2.2. Навоий вилояти ёшларининг замонавий касб-хунарга эга бўлишига ва келгусида вилоят тажрибасини бошқа ҳудудларга намуна сифатида татбиқ этиш.

2.3. Танлов асосида иктидорли ёшларни саралаб олиш орқали уларни ўкув курсларида бепул ўқишларини ташкиллаштириш.

2.4. Ўкув курсларини муваффакиятли тамомлаган ёшларни иш билан таъминлашига кўмаклашиш.

2.5. Соҳада юқори тажрибага эга мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ва мотивацион учрашувлар ташкил қилиш, республикамизда, шунингдек, хорижда юқори муваффакиятга эришган мутахассислар билан кенг миқёсда жонли мулоқотлари йўлга қўйиш.

2.6. Ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қисмининг таълим олиши ва касб-хунар ўрганишига бўлган интилишларини давлат томонидан кўллаб кувватлаш.

3. Ўқувларни ташкил этувчи нодавлат таълим муассасаси:

- замонавий касб-хунарга, информацион технологиялар, дастурлаш, логистика, 3D моделлаштириш, анимация ва график дизайн каби соҳаларда ўқитиш мақсадида ўқув дастурлари ишлаб чиқиш;

- юқори билим ва тажрибага эга бўлган ўқитувчи ва ёрдамчи ўқитувчилар жалб қилиш;

4. Ўқишиста бўлган ёшлар томонидан мурожаат қилиш тартиби.

4.1. Ариза берувчи ўқув курси йўналишини ёшлар етакчиси кўмагида танлайди ҳамда ариза билан мурожаат қилади.

4.2. Маҳалладаги ёшлар етакчиси уч иш куни ичидаги туман (шаҳар) ҳокимликлари билан келишган ҳолда таълим олиши ҳақидаги тавсиянома ёки рад этиш тўғрисидаги хабарномани юборади.

Бунда, ўқишини рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда, рад этиш сабаблари аниқ кўрсатиб ўтилади.

4.3. Маҳалладаги ёшлар етакчиси ариза берувчи томонидан ҳақиқатда ўқув курсида ўқиётганлигини ҳар ойда камида бир марта мониторинг амалга ошириш.

4.4. Ўрганиш жараёнида ариза берувчи томонидан ўқув курсида ўқимаётганлиги аниқланган тақдирда, ёшлар етакчисининг тақдимномасига асосан туман (шаҳар) ҳокимликлари билан келишган ҳолда таълим олиши ҳақидаги тавсиянома олган бошқа ёшларни ўқишига жалб қилади.

5. Ўқув марказлари фаолиятини ташкил этиш ва йўлга қўйиш тартиби.

5.1. Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ўқувларни ташкил қилиш мақсадида “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси ҳисоб рақамига 11,0 млрд. сўм миқдорида пул маблағлари ажратилиди.

5.2. “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси мазкур маблағлар эвазига Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарларида бир донадан намунавий тарзда ўқув марказлари ташкил этишини ташкиллаштиради.

Бунда, ўқув марказлар сигими мавжуд эҳтиёж (туман ва шаҳардаги ёшлар сони)дан келиб чиқиб аниқланади.

5.3. Навоий вилоят ҳокимлиги, Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда туман ва шаҳарлардаги мавжуд эҳтиёжни ўрганиш мақсадида сўровномалар шакллантиради, уларни ўтказилишини таъминлайди.

Сўровномада замонавий касбларни эгаллаш истагини билдирган ёшлар сони, ўрганишни истаган соҳалар, талаб билдирилган иш ўринлари ҳисобга олиниш лозим.

5.4. Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ўқув марказлари ташкил қилинади.

Бунда, “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси Навоий вилояти ҳокимлиги билан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида мавжуд бўш турган бино иншоотлар салоҳиятидан фойдаланиш кўзда тутилади (ижара тўловлари тўланади).

5.5. Танловда иштирок этувчи талабгор нодавлат таълим муассасалари учун талаблар “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси томонидан ишлаб чиқиб тасдиқланади.

5.6. Танловда ғолиб бўлган нодавлат таълим муассасалари учун ижтимоий мажбурият сифатида Навоий вилояти ёшларни бепул ўқитиш, уларни келажакда бандлигини таъминлаш мажбурияти кўйилади.

5.7. “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси Вазирлар Махкамасининг 2023 йил 30 мартағи 157-F сонли фармойишида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ташкил қилинган ўкув марказларининг моддий техник базасини талаб даражасида таъминлаш мажбуриятини олади.

5.8. Танлаб олинган нодавлат таълим муассасалари ҳудуд талабидан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимликлари ва ёшлар етакчилари билан ҳамкорликда кўшимча ёшларни ўқувларга жалб қиласида.

5.9. Ўқувларда соҳанинг етакчи мутахассислари ва ёшлар учрашуви, давра сухбатлари ташкил қилиш механизми, дастури, режа графиги ишлаб чиқилади.

5.10. Ўқувлар доирасида қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

5.10.1. “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги ва Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этилиши белгиланган ўкув марказлари рўйхати шакллантирилади;

5.10.2. Ўқувларда катнашиш истагини билдирган ёшлар туман (шаҳар) ҳокимликлари ва ёшлар етакчилари тавсиясига асосан ўқишга қабул қилинади (бунда ўқища қатнашишни назорат қилиш ёшлар етакчисига юклатилади);

5.10.3. Ўқувларни муваффакиятли якунлаган ёшлар учун ўкув марказлари томонидан маҳсус сертификат тақдим қилинади;

5.10.4. Республикадаги етакчи иш берувчилар, ўкув марказлари билан ҳамкорликда битириувчиларнинг иш билан таъминлаши юзасидан доимий ҳамкорлик йўлга кўйилади.

Ўкув марказларига кўйиладиган талаблар:

- ўқувларда қатнашиш истагини билдирган ёшлар ва ўкув маркази ўртасида шартнома имзолаш;

- таълим олувчиларда меҳнат қилиш ва мустакил ижодий фикрлаш кўнилмаларини шакллантириш, уларни касбий йўналтиришга ва касб танлашига кўмаклашиш;

- ўқувчиларнинг барча дарс машғулотларни уларни қолдирмасдан иштирок этишини, топширилган вазифаларни бажаришини, таълим дастурлари бўйича билимларни ўзлаштириб олишини таъминлаш;

- лойиха доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан ўкув харажатлари қоплаб берилган ўқувчилардан кўшимча пул талаб қилиб олмаслик.

Таълим олган ёшларнинг ўкув маркази томонидан келгусида иш билан таъминланишига кўмаклашиш лойиха доирасида ҳамкорлик қилиш учун устуворлик беради.

Ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар:

- ўқув маркази жойлашган бино хоналарининг таълим олиш учун таъмирланган, ёруғлик даражаси етарли бўлиши (замонавий кўринишга эга ўқув марказларига устуворлик берилади);

- техника хавфсизлигини инобатга олган ҳолда, хоналарда ҳаво айланиш тизими ҳамда ёз-киш мавсумига тайёр бўлиши;

- йўналишлардан келиб чиқиб, таълим бериладиган ўқув хоналарида зарурый ўқув жиҳозлари (доска, маркер, проектор, компьютер, ноутбук, аудио ва визуал мосламалар ва бошқалар) билан таъминланиши;

- дарсдан кейин кўшимча машғулот олиб бориш учун ҳудуд “коворкинг зона” мавжуд бўлиши лозим.

Ўқитувчиларнинг билим даражаси ва мазкур йўналишдаги иш тажрибаси:

- таълим берадиган тил йўналишлари бўйича тегишли халқаро сертификатлар мавжуд бўлиши;

- ўқув марказларида ёшларга таълим бериш бўйича камидаги 1 (бир) йиллик иш тажрибаси бўлиши;

- педагогик ва психологик кўнималарга эга бўлиши;

- методик қўлланмалардан самарали фойдаланиши.

Таълим методикаси ва мониторинг жараёни:

- ўқувчиларга таълим бериш бўйича ҳар бир йўналишда алоҳида интерфаол ўқитиши методларини инобатга олган таълим дастури, бутун курс давомида режалаштирилган ўқитиши графиклари бўлиши;

- дарс машгулотларини белгиланган муддатларда ўтказиш ҳамда ёшларга сифатли, замон талабларига мос ҳолда таълим бериш;

- дарслар ўтказилиши учун керакли жиҳозларга эга машғулот хоналари билан таъминлаб бериш;

- ўқув курсларида таълим гурухининг 18 нафар ўқувчилардан ошмаслиги (компьютер хоналарида 12 нафар);

- ўқувчиларнинг замонавий, энг охирги ўқув методик-қўлланмалар билан таъминланиши ва доимо янгилаб борилиши;

- вазият тақозо қилганида, таълим олувчиларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланган дарс жадваллари ҳамда дастурларига ўзгартириш киритиш;

- ўқув машғулотлари бошланишидан олдин ўқувчининг билим даражасини аниқлаш мақсадида диагностик имтиҳон (тест) синовлари ўтказиши ва унинг билим олиш даражасини ҳар ойда камидаги 1 маротаба имтиҳон (тест) синовларини ўтказиш орқали мониторинг қилиб бориш лозим.

Бунда, ойлик имтиҳон тестларидан етарли балл тўплай олмаган, дарс жараёнларига эътиборсизлик билан ёндашиши натижасида ўзлаштириши суст бўлган ўзлаштирилиши паст бўлган ёшлар ҳақида маҳалладаги ёшлар етакчисига хабардор қилиш;

- узрли сабабларсиз кетма-кет З кунлик дарс машгулотларида қатнашмаган ўқувчилар тўғрисида маҳалладаги ёшлар етакчисини бу ҳақида хабардор қилиш;

- курсни муваффакиятли тамомлаган ишсиз ёшларни доимий иш билан таъминлашига кўмак берилиши лозим.

Ўқув курсларида иштирок этиш давомида ўқувчиларга қўйиладиган талаблар:

- “Ёшлар дафтари”га киритилган ёш, ва/ёки оила аъзоси “Темир дафтари”га, “Аёллар дафтари”га, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган ёш фукаро;

- бокувчисини йүкотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёш фуқаро;

- I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган ёш фуқаро;

- “Мехрибонлик” уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оиласи болалар уйида тарбияланган ёш фуқаро;

- ишсиз ёш фуқаро;

Ўқувчи қуидаги хуқукларга эга:

- ўқув марказидан бериладиган дарс машғулотларини тўлиқ ўтказилишини талаб этиш;

- ўқув марказидан ўз билимини тест синовларидан ўтказилишини талаб этиш;

- ўқув марказидан дарс машғулотларини сифатли, қонун доирасидан четга чиқмаган ҳолда ўтказилишини талаб килиш;

Ўқувчи қуидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади:

- танланган йўналишни охиригача қатъий вакт графигида ўқиш, ўқув машғулотларини колдирмаслик;

- машғулотларга белгилangan вактдан кеч қолмасдан, ўз вактида тўлиқ иштирок этиш ҳамда таълим жараёнида берилган вазифаларни мустақил, вижданонан, ўз вактида ва тўлиқ бажариш;

- ўз билим даражасини диагностик тест синовидан ўтказилишига тўсқинлик қилмаслик ҳамда ҳар ойда белгилangan имтиҳон (тест) синовларидан ўтиш;

- ўқув марказининг ички тартиб-коидалари ва мажбуриятларига риоя этиш, ёлғон гапирмаслик, ҳалоллик;

- ўзиға боғлиқ бўлмаган узрли ҳолатлар сабабли иштирок эта олмаган тақдирда ўқув маркази ва ўзи яшаб турган маҳалладаги ёшлар етакчинини хабардор килиш.

Лойиха доирасида ўқувчи томонидан ўқув машғулотларини камида 3 (уч) маротаба сабабсиз қолдириш, мажбуриятларини бажармаслик ҳамда ўқув машғулотларини белгилangan муддатда якунламасдан қолдириш ҳолатлари қайд этилса ўқишдан четлаштирилади.

**Ўзбекистон Республикаси Ёшлар  
 сиёсати ва спорт вазирлиги,  
 Ёшлар ишлари агентлиги,  
 "Yoshlar – kelajagimiz" жамгармаси,  
 Навоий вилоят ҳокимлигининг  
 2023 йилдаги Қўшма Қарорига  
 2-ИЛОВА**

**Навоий вилоятининг 11 туман ва шаҳарларида ёшларни касб-хунарга,  
 информацион технологиялар, дастурлар, логистика, 3D моделлаштириш, анимация ва  
 график дизайн каби соҳаларда ўқитишни йўлга қўйиш бўйича  
 сарф-харажатлар**

**СМЕТАСИ**

(млн. сўм)

<b>Харажатлар номи</b>		<b>Сумма</b>
<b>Жами</b>		<b>11 000,0</b>
Ўқув жараёнини ташкил этиш харажатлари (6 ой учун ўқитувчи ва ёрдамчи ўқитувчилар ойлик маоши, ўқув дастур ишлаб чиқиши ва бошқа харажатлар)		5 500,0
- Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Номди, Учкудуқ туманлари		1 800,0
- Кармана, Конимех ва Қизилтепа туманлари		1 800,0
- Фозғон шаҳар ҳамда Навбахор, Нурота, Хатирчи туманлари		1 900,0
<b>Ўқув марказларини ташкил этиш харажатлари</b>		<b>5 500,0</b>
- Бинони таъмирлаш ва бошқа харажатлар (концтавар, ташқи ва ички декорациялар)		1 345,0
- Ўқув марказларини белгиланган йўналишларда ўқувларни ташкил этиш учун мослаштириш, жихозлаш, қайта жихозлаш харажатлари		842,0
- Ўқув марказлари моддий техник базасини мустаҳкамлаш учун зарурий ускуналар харид килиш.		2 100,0
- Ўқув марказларининг 6 ойлик ижара ва коммунал хизмат харажатлари		990,0
- Хизмат сафари ва бошқа харажатлар		223,0

\* Мазкур харажатларга белгиланган режса маблагларидан ортиб кетмаган ҳолда ўзгариши ва қўшишчалар киритилиш мумкин